



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2026 йил 1 май, № 86 (9257)


Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН — ЧЕХИЯ: КЎП ҚИРРАЛИ МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЯНГИ ДАВР

Чехия Республикаси Бош вазири Андрей Бабиш 29-30 апрель кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.



Бугунги кунда Янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида очкилик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва фаол дипломатия тамойиллари устувор аҳамият касб этмоқда. Амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар халқаро майдонда ишончли ва истиқболли шерик сифатида юртимизнинг мавқеини янада мустаҳкамламоқда.

Андрей Бабишни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Қароргоҳ олдидаги майдонда фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни самимий қутлаб, уни шоҳсулага тақлиф қилди.

Шавкат Мирзиёев ва Чехия Республикаси Бош вазири Андрей Бабишнинг тор доирада ва икки мамлакат делегациялари иштирокида музокаралари бўлиб ўтди.

Ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Ҳукуматлар, вазирликлар ва идоралар даражасида яқин алоқалар ўрнатилди, ишбилармонлик ва гуманитар алмашинувлар фаоллашди. Парламентларда “Дўстлик гуруҳлари” ташкил этилган. Ҳукуматлараро комиссия самарали ишламоқда. Кейинги йилларда товар айирбошлаш қарий икки баробарга ошди. Мамлакатимизда Чехия капитали иштирокида 37 та қўшма корхона муваффақиятли фаолият юритмоқда. Бир қатор янги кооперация йўналишлари бўйича иш олиб борилмоқда.

Иқтисодий кун тартибидagi барча масалаларни илгари суриш учун Ишбилармонлар кенгаши тузиш ва Ҳукуматлараро комиссиянинг кейинги йиғилишини шу йил август ойида Тошкентда ўтказиш тақлиф қилинди. Маданий-гуманитар соҳада, шу жумладан, қўшма диплом дастурлари доирасида таълим ва академик алмашинувни кенгайтиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани тасдиқланди.

Шавкат Мирзиёев ва Чехия Республикаси Бош вазири Андрей Бабиш Фахрий меҳмонлар хиббонида биргаликда дарахт эқдлар.

### ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИККА ЗРИШИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Президент Шавкат Мирзиёев 30 апрель куни табиатни муҳофаза қилиш, экологик барқарорликни таъминлаш, чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ривожлантириш бўйича тақлифлар тақдими билан танишди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, “яшил” иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш ва экологик маданиятни юксалтириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, саноат, қурилиш, транспорт ва коммунал соҳалардаги жадал ривожланиш табиатга таъсир этувчи омилларни қатъий назорат қилишни, экологик талабларга риоя этишни янада кучайтиришни тақозо этмоқда.

Тақдимотда Угом дарёсининг табиий мувозанатини тиклаш ва унинг ноёб табиий меросини сақлаш бўйича тақлифлар кўриб чиқилди.

Угом дарёси ва унинг ҳавзаси Угом — Чотқол миллий табиат боғи таркибидagi муҳим экологик ҳудудлардан бири ҳисобланади. Бу ерда ўнлаб ноёб ўсимлик ва ҳайвонот турлари, шу жумладан, Қизил китобга киритилган турлар мавжуд. Дарё Чирчиқ ҳавзасининг сув таъминотида ҳам муҳим ўрин тутади.

### Андрей БАБИШ: ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТИ, БОЙ РЕСУРСЛАРИ ВА ИСТЕЪДОДЛИ ИНСОНЛАРИ САЛОҲИЯТИДАН ҲАЙРАТДАМАН

Чехия Бош вазири Андрей Бабиш Ўзбекистондан кетиш арафасида “Тошкент-Хумо” халқаро аэропортида “Дунё” АА мухбирига эксклюзив интервью берди.


#### Эътироф

“Президентингиз делегациямизни қабул қилганидан жуда мамнунман, бизни самимий кутиб олишди, — деди Чехия ҳукумати раҳбари. — Ўзбекистоннинг ҳар томонлама жадал ривожланиб бораётгани, ресурсларга бойлиги, бу ерда истеъдодли инсонлар кўплиги, айниқса, ёшларнинг салоҳияти менда катта таассурот қолдирди.

Ҳукуматлар, вазирликлар ва идоралар даражасида яқин алоқалар ўрнатилди, ишбилармонлик ва гуманитар алмашинувлар фаоллашди. Парламентларда “Дўстлик гуруҳлари” ташкил этилган. Ҳукуматлараро комиссия самарали ишламоқда. Кейинги йилларда товар айирбошлаш қарий икки баробарга ошди. Мамлакатимизда Чехия капитали иштирокида 37 та қўшма корхона муваффақиятли фаолият юритмоқда. Бир қатор янги кооперация йўналишлари бўйича иш олиб борилмоқда.

Чехия ҳукумати раҳбари Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтган музокараларда кўтарилган халқаро мавзуларга тўхталар экан, Ўзбекистон Президентининг “Биз ҳозир дунёда содир бўлаётган барча урушларни тўхтатишимиз керак. Одамлар тинч-тотув яшаши керак”, деган фикрига тўлиқ қўшилишини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).



Учрашувда кўтарилган масалалар нафақат мамлакатлараро муносабатларни, балки кенг жамоатчилик манфаатларини ҳам қамраб олади. Ўзбекистон ва Чехия алоқаларининг сўнгги йилларда жадал ривожланаётгани — бу ислохотлар самарасининг яққол ифодаси. Айниқса, товар айирбошлаш ҳажмининг икки баробарга ошгани, қўшма корхоналар сонининг кўпайгани ва инвестициявий фаолликнинг ўсгани ишончли ва

барқарор шерикликнинг амалий натижаси, десак, айни ҳақиқат. Шу нуқта назардан, савдо ҳажмини 1 миллиард долларга етказиш вазифаси — мутлақо реал мақсад. Бунинг ортида янги ишлаб чиқариш қувватлари, маҳаллийлаштириш даражасининг ошиши, экспорт географиясининг кенгайиши ва албатта, иш ўринлари яратилиши каби кенг қўламли иқтисодий имкониятлар ётади.

Чехия Республикаси Бош вазири Андрей Бабишнинг шу йил 29-30 апрель кунлари мамлакатимизга расмий ташрифи том маънода Ўзбекистон — Чехия муносабатлари тарихида сифат жиҳатдан янги босқичга бошлаб бериши, шубҳасиз.

Бинобарин, тор доирада ва икки мамлакат делегациялари иштирокида бўлиб ўтган музокараларда Ўзбекистон билан Чехия ўртасидаги амалий ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Айниқса, ўзаро савдо ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қара-

тилиб, товар айирбошлашни, жумладан, маҳсулот турларини кенгайтириш орқали 1 млрд. долларга етказиш вазифаси кўйилгани давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш баробарида пировардида янги савдо йўналишларини ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.

Биргаликдаги савдонинг рағбатлантириш мақсадида Чехияда Ўзбекистоннинг биринчи сертификатлаш филиали ташкил этилаётгани икки мамлакат ўртасидаги савдонинг рағбатлантиришга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Икром АВВАЛБЕКОВ, ҲАМ МУХБИРЛАРИ.

# ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИККА ЭРИШИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Чикиндиларни бошқариш соҳасидаги ишлар ҳам атрафлича таҳлил қилинди. 2025 йилда санитар тозалаш хизмати қамрови маҳаллалар кесимида 88 фоизга етди, соҳага махсус техникалар, мотороллерлар ва контейнерлар етказиб берилди, 132 та полигон атрофи кўкаламзорлаштирилди, 47 та полигон фаолияти тўхтатилди.

Жорий йилда санитар тозалаш корхоналарига қўшимча махсус техника ва контейнерлар етказиб бериб, қамровни 90 фоизга етказиш, 18 та полигонни рекултивация қилиш, 2030 йилга бориб полигонлар сонини 50 фоизга қисқартириш режалаштирилган.

Чикиндиларни қайта юклаш станцияларини қуриш орқали логистика харажатларини камайтириш, саралаш ва қайта ишлаш ҳажмини ошириш, полигонларга тушадиган юкларни қисқартириш муҳимлиги таъкидланди. 2026 йилда 28 та, 2030 йилга эса 70 та қайта юклаш станциясини қуриш кўзда тутилган.

Маиший чикиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларининг бориши тўғрисида ҳам ахборот берилди. Умумий қиймати 933 миллион доллар бўлган 6 та заводни қуриш ишлари Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида амалга оширилмоқда. Бу

заводлар ишга тушган йилига 3,6 миллион тонна қаттиқ маиший чикинди қайта ишланиб, 1,6 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Кейинги босқичда 633 миллион долларлик яна 5 та завод қуриш билан боғлиқ ишларни бошлашга кўрсатма берилди.

Хавфли чикиндиларни бошқариш бўйича МДХ ҳудудида илк интеграцияланган платформа яратиш тақдир қилинди. Навоий вилоятида амалга оширилиши режалаштирилган мазкур инвестиция лойиҳаси доирасида хавфли чикиндиларни лабораторияда тавсифлаш, махсус полигон ташкил этиш, чикиндилардан "RDF" ёқилги ишлаб чиқариш, физик-кимёвий ва термик қайта ишлаш тизимини йўлга қўйиш назарда тутилган.

Лойиҳа қиймати 260 миллион доллар бўлиб, йилига 330 минг тонна хавфли чикиндини қайта ишлаш қуввати яратилади. Унинг амалга оширилиши экологик барқарорлиқни таъминлаш, янги стандартлар ва илгор технологияларни жорий этиш, маҳаллий кадрларни тайёрлашга хизмат қилади. Қайд этилганидек, 2017 йилда қурилиш чикиндилари ҳажми 1,2 миллион тоннани ташкил этган бўлса, 2025 йилда 1,9 миллион тоннага етган.

Шу муносабат билан қурилиш чикиндиларини "ҳосил бўлишдан утиллантиришга" бўлган жараённи тўлиқ назорат қиладиган рақамли платформа яратиш, чикиндилар ҳаракатини "GPS" орқали реал вақт режимида кузатиш, полигонларда саралаш ва қайта ишлаш комплексларини ташкил этиш тақдир қилинди.

Шунингдек, қурилиш объектларини қабул қилишда чикиндиларни утилизация қилиш бўйича шартнома шартлари бажарилганини мажбурий талаб сифатида белгилаш, оқонуний ташлаш ҳолатларини фото ва видео қайд этиш орқали аниқлаш ҳамда жавобгарлик чораларини кучайтириш назарда тутилмоқда.

Тақдиротда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ривожлантириш, ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаш бўйича лойиҳалар ҳам қўйиб қилинди. Хусусан, "Фарғона" миллий табиат боғи таркибидаги "Ёзёвон" табиат ёдгорлиги ҳудудини муҳофаза қилиш, дендрологик боғ ташкил этиш, кузатув миноралари, махсус дронлар ва рақамли мониторинг тизимлари орқали назоратни кучайтириш режалаштирилган.

Ушбу ҳудудда ташриф маркази ташкил этиш, пийда сайр маршрутлари, қушларни қузатиш майдонлари, фото ва панорама нукталари, илмий-маърифий экскурсиялар йўлга қўйилиши режалаштирилмоқда.

Шунингдек, "Овжасос" — Мовий тоғлар" миллий табиат боғи ҳудудиди ҳам экологик туризмни ривожлантиришга қаратилган объектлар барпо этиш тақдирлари қўйиб қилинди. Бунда табиий манзаралар ва тоғ экотизимларини асраб-авайлаган ҳолда сайёҳлар учун қулай инфратузилма яратишга алоҳида эътибор қаратилади.

Тақдиротда жорий йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган "ECO EXPO Central Asia 2026" халқаро кўргазмаси ва Глобал экологик жамғарманинг 8-ассамблеясига тайёргарлик масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Глобал экологик жамғарма 186 та иштирокчи давлатни бирлаштирган йирик халқаро молия институти бўлиб, Ўзбекистон унга 1995 йилда қўшилган. Ассамблеянинг Самарқандда ўтказилиши Европа, Кавказ ва Марказий Осиё минтақасида илк бор ташкил этилаётган йирик экологик анжуман бўлади. Тадбирда 186 давлатдан 2,5 минг нафар иштирокчи, 40 та донор давлат, 50 дан зиёд нуфузли табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари ва халқаро экспертлар иштирок этиши кутилмоқда.

"ECO EXPO Central Asia 2026" кўргазмаси эса маҳаллий саноат, ҳокимликлар, халқаро молия институтилари, инновацион "яшил" технологиялар провайдерлари ва инвесторлар ўртасида ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари тақдим этилган тақдиротларни маъқуллаб, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида назорат ва жавобгарликни кучайтириш, чикиндиларни бошқаришда замонавий тизимларни жорий этиш, сув ресурслари ва биохимиклиқни асраш, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни илмий асосда ривожлантириш бўйича аниқ топшириқлар берди.



## Самимий дўстлик ва ишончли шериклик

Учрашувда технологик ҳамкорлик масаласига алоҳида урғу берилди. Чунки бугунги глобал рақобат шароитида инновация ва юқори технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Машинасозлик, "яшил" энергетика, геология, кимё ва фармацевтика каби соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш Ўзбекистон иқтисодиётини диверсификация қилиш ва уни янги босқичга олиб чиқиш учун муҳим омил. Хусусан, "яшил" энергетика соҳасидаги ҳамкорлик нафақат иқтисодий, балки экологик барқарорликни таъминлаш нуктаи назаридан ҳам долзарб.

Инфратузилма, "ақли" шаҳарлар ва рақамлаштириш соҳаларидаги ҳамкорлик эса иқтисодиётнинг самардорлигини ошириш билан бирга, фуқаролар учун қулай ва замонавий ҳаёт муҳитини яратишга хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, музокараларнинг энг катта ютуқларидан бири — инсон капиталига қаратилган эътибор. Таълим, илмий тадқиқотлар ва академик алмаштириш дастурларининг кенгайтириши, бу — келажакка йўналтирилган инвестиция. Чунки ҳар қандай иқтисодий ўсишнинг асосида билимли, малакали ва замонавий фикрлайдиган кадрлар туради.

Муҳим жиҳатлардан яна бири миграцияни тартибга солиш таъкидлаш лозимки, музокараларнинг энг катта ютуқларидан бири — инсон капиталига қаратилган эътибор. Таълим, илмий тадқиқотлар ва академик алмаштириш дастурларининг кенгайтириши, бу — келажакка йўналтирилган инвестиция. Чунки ҳар қандай иқтисодий ўсишнинг асосида билимли, малакали ва замонавий фикрлайдиган кадрлар туради.

Муҳим жиҳатлардан яна бири миграцияни тартибга солиш таъкидлаш лозимки, музокараларнинг энг катта ютуқларидан бири — инсон капиталига қаратилган эътибор. Таълим, илмий тадқиқотлар ва академик алмаштириш дастурларининг кенгайтириши, бу — келажакка йўналтирилган инвестиция. Чунки ҳар қандай иқтисодий ўсишнинг асосида билимли, малакали ва замонавий фикрлайдиган кадрлар туради.

Муҳим жиҳатлардан яна бири миграцияни тартибга солиш таъкидлаш лозимки, музокараларнинг энг катта ютуқларидан бири — инсон капиталига қаратилган эътибор. Таълим, илмий тадқиқотлар ва академик алмаштириш дастурларининг кенгайтириши, бу — келажакка йўналтирилган инвестиция. Чунки ҳар қандай иқтисодий ўсишнинг асосида билимли, малакали ва замонавий фикрлайдиган кадрлар туради.

Олий Мажлис Сенатининг, Олий Мажлис Сенатининг, Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хоржий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

## Ўзаро ҳамкорликнинг муҳим босқичи

Асосийси, бу филиал Ўзбекистон маҳсулотларининг Европадаги талабларга мослигини текшириш ва уларга сертификат бериш орқали савдо ҳажмини оширишга замин яратяди.

Чехиялик ҳамкорлар билан "Евро-6" стандартидаги автомобилларни сертификатлаш ва квант эталони бўйича замонавий лаборатория қурилиши Ўзбекистоннинг автомобиль саноатини янада ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятли. Ушбу лаборатория автомобилларнинг экологик талабларга мослигини текшириш, янги технологияларни жорий қилиш ва Европа бозорига ўтказиш учун муҳим қадам бўлади. Ташрифнинг муҳим жиҳатларидан бири сифатида Чехиянинг етакчи компаниялари билан машинасозлик, "яшил" энергия, геология ва муҳим хомашё, кимё, фармацевтика ҳамда бошқа соҳаларда лойиҳаларни амалга оширишни ўз ичига олган Технологик ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш бўйича эришилган келишувни алоҳида айтиш мумкин. Бу икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва турли йўналишлардаги лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган бўлиб, ушбу дастур иш ўринлари яратишга ва тўғридан-тўғри сармояларни жалб қилишга имкон беради.

Давлатимиз раҳбари ва Чехия Республикаси Бош вазири томонидан имзоланган Кенгайтирилган ҳамкорликни илгари суриш тўғрисида қўшма декларация эса Ўзбекистон ва Чехия ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқди. Энг муҳими, ушбу мақлакат билан ҳамкорликда янги лойиҳаларни амалга ошириш, янги бозорларга кириш, инновацион технологиялар жорий қилиш ва стратегик соҳаларда ўзаро фойдали ҳамкорлик ўрнатилиш учун асос яратяди.

Нарғиза САЛОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

## Сенатор сўрови

### Электр таъминотидаги узилишларга қачон барҳам берилади?

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари Кобул Турсунов электр энергияси таъминотидаги узилишлар юзасидан Ўзбекистон энергетика вазирига сенатор сўрови юборди.

Унда, аввало, мамлакатимизда энергетика соҳасини ривожлантириш, янги қувватларни ишга тушириш ва тармоқларни модернизация қилиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани қайд этилган. Ушбу тадбирлар доирасида республикада электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми сўнгги йилларда кескин ўсиб, 2016 йилдаги 59 млрд. кВт-соатдан 2025 йилга келиб 86,7 млрд. кВт-соатга етган.

Бироқ ушбу кўрсаткичларга қарамай жойларда электр энергияси таъминоти барқарорлиги билан боғлиқ айрим тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда. Жумладан, узилишлар ва йирик авария ҳолатлари кузатиляпти. Бу айрим қишлоқ ва чекка ҳудудларда энергия таъминотида чекловлар юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, сўровда электр таъминотидаги узилишлар айрим тадбиркорлик субъектлари фаолиятига салбий таъсир кўрсатаётгани, бу ўз навбатида, республика иқтисодиётида ҳам акс этаётгани қайд қилинган.

Бундай ҳолат электр энергияси барқарорлигини таъминлаш масаласига комплекс ёндашуви тақозо этмоқда. Сенатор сўровида таъкидланишича, мазкур йўналишда аниқ режа, шаффоф мониторинг ва масъулиятни кучайтириш орқали аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларини ишончли ва узлуksиз электр энергияси билан таъминлаш мумкин.

Сенатор "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ вазиридан электр таъминоти барқарорлигини таъминлашга тўқсинлик қилаётган тизимли муаммоларни бартараф этиш, жумладан, мавжуд электр тармоқларини модернизациялаш, янги генерация қувватларини ишга тушириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида асосли маълумот тақдим этишни сўради.

Сўровда, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари учун, жумладан, саноат зоналарида кафолатланган электр таъминотини яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар самардорлигини ошириш юзасидан ҳам маълумот бериш сўралди.

«Халқ сўзи».

## ХАВФСИЗ МУҲИТ – СОҒЛОМ ЖАМИЯТ АСОСИ

30 апрель куни бўлиб ўтган халқ депутатлари Олмазор тумани Кенгашининг навбатдан ташқари 27-сессиясида туманда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати, шунингдек, жамоат хавфсизлиги масалалари муҳокама қилинди.

### Йиғилиш

Унда сенаторлар, Бош прокуратура, Тошкент шаҳар прокуратураси, туман ҳокимлиги вакиллари, маҳаллий Кенгаш доимий комиссиялари аъзолари ва депутатлари, ҳудудий давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди. Дастлаб Олмазор туманидаги маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш борасида

амалга оширилган ишлар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти аштитилди.

Қайд этилганидек, тумандаги ижтимоий-иқтисодий ва криминоген вазиятга таъсир кўрсатадиган 20 га яқин йўналишлар белгилиниб, мувофиқлаштирувчи штаб, идораларо ишчи гуруҳлар шакллантирилган ҳамда вазифалар ижроси юзасидан кунилик назорат йўлга қўйилган.

Ўқувчилар давоматини он-лайн назорат қилиш мақса-

дида барча мактабларда "Face ID" тизими жорий қилинган. 652 та хонадон ўрганилиб, 42 та нотинч оиладаги муаммолар ҳал қилинган ва 12 та "хавфсиз кўча" ташкил этилган. Аҳоли гавжум жойларга 135 та камера қўйилган, 535 та объект техник қўриқловга олинган, кўп қаватли уйларга 142 та домофон, 115 та ташвиш тугмаси ўрнатилган.

Шундан сўнг Мирзо Улуғбек туманида жорий этилган рақамли бошқарув ва хавфсизликнинг янги модели — "Ақли туман" платформаси билан танишилди.

Ушбу тажрибани Олмазор туманида ҳам жорий қилиш бўйича тақдирот ўтказилди. Мазкур платформанинг асосий имкониятларидан

«Халқ сўзи».

## Учрашув

### Юртимиз келажакнинг бунёдкорлари

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси Эркин Гадовев ҳамда қўмита раиси ўринбосари Кобул Турсунов Тошкент давлат иқтисодий университетини талабалари билан учрашув ўтказди.

Очiq мулоқотда ёшларнинг келажак режалари, касб танлаш масалалари, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган имкониятлар юзасидан фикрлашилди.

Сенаторлар юрт тараққиёти учун билимли, ташаббускор кадрлар муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаб, ёшларни катта ҳаётга ишонч ва қатъият билан қадам ташлашга чорлади.

Шу билан бирга, ёшларнинг тақдир ва фикрларини эшитиш учун эшикларни доимо очиклигини ҳамда ўқиш ва илмий ҳаётдан ҳеч қачон тўхтамаслик зарурлигини алоҳида таъкидлашди.

Учрашувда талабалар томонидан билдирилган тақдир ва саволлар диққат билан тингланиб, уларни ҳал этиш юзасидан тегишли мутасаддиларга вазифалар юклатилди.

Қайд этилганидек, бундай учрашувлар ёшларда келажакка ишончни мустаҳкамлаш, уларнинг билим олиш ва касб эгаллашга интилишини янада кучайтиришга хизмат қилади.

## Семинар

### Ижтимоий сўғурта масаласи муҳокамада

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси томонидан "Давлат ижтимоий сўғуртаси тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш мақсадида халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари учун семинар ташкил этилди.

Унда маҳаллий Кенгашлар котибияти мудирлари, Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари бўйича доимий комиссия раислари ва аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Семинарда сўғурталанган шахс ва сўғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида атрафлича маълумот берилди. Маҳаллий Кенгаш депутатларига сайловчилар билан учрашувларда мазкур қонуннинг мазмун-моҳиятини кенроқ тушунириш тавсия қилинди.

Давлат ижтимоий сўғуртаси соҳасидаги асосий тушунчалар, сўғуртанинг бундай тизимини жорий этишнинг долзарблиги ва унга доир муносабатлар ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

Шунингдек, қонуннинг асосий мақсади фуқаролар вақтинча меҳнат фаолиятини йўқотганда ёки ишсиз қолганда ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва кўмакчиликни таъминлаш билан учрашувларда мазкур тадбиркорларни ҳомиладорлик ҳамда туғиш, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик ва ишдан бўлиштиш нафақалари тўлови бўйича ортиқча тўловдан озод қилишга қаратилгани алоҳида эътироф этилди.

Семинарда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги мутахассислари ижтимоий сўғурта соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан ҳам таништириб ўтди.

«Халқ сўзи».

## ЁШЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Олий Мажлис Сенатиди Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар ҳудудий кенгаши ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг бир гуруҳ ёшлари билан учрашув ўтказилди.

### Олий Мажлис Сенатиди

Мулоқот чоғида давлатимиз раҳбарининг ёшларга қаратаётган доимий эътибори уларнинг эртанги кунга ўз куч ва имкониятларига ишончини янада мустаҳкамлаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда Сенатнинг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Малика Қодирхонова парламент назоратини амалга ошириш ҳамда парламент дипломатиясини ривожлантириш борасидаги вазифалар юзасидан батафсил маълумот берди. Шунингдек, давлат бошқаруви тизимида юқори палатанинг ўрни ва аҳамиятига алоҳида урғу қаратилди.



Шу билан бирга, ёшларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, уларни қонунчилик жараёнларига кенроқ жалб этиш масалаларига эътибор берилди.

Ёшлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан фаол иштирок этиб, давлат бошқаруви тизимида йигит-қизларнинг иштироки, парламент фаолиятининг очиклиги ва шаффофлиги масалалари юзасидан савол-жавоб ўтказди.

Шунингдек, Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқа-

лар, хоржий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзолари ҳам пайшанба — "Ёшлар кунин" доирасида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг ёш иқтисодий фаолиятининг ёш иқтисодий фаолиятини ҳамда профессор-ўқитувчилари билан учрашди.

Мулоқот давомида талабаларга Олий Мажлис юқори палатаси фаолияти ва унинг ваколатлари, назорат-таҳлил тадбирлари жараёни, Сенатда қўриб чиқилаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини халққа етказишда ёшларнинг тутган ўрни юзасидан тушунтиришлар берилди.

Таъкидланганидек, бу каби учрашувлар ёш ва иқтисодий талабаларнинг парламент фаолиятига қизиқишини оширишга, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини кенгайтиришга ҳамда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга хизмат қилади.

Учрашувда талабалар ўзларининг фикр-мулоҳазалари ва тақдирларини билдириб, саволларига атрафлича жавоб олишди.

«Халқ сўзи».

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

### Талабалар учун тажриба мактаби

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабалари билан учрашув ўтказилди.

Ушбу тадбир давлатимиз раҳбарининг феврал ойида ёшлар билан ўтказган мулоқотида илгари сурилган гоя — "Ёшлар кунин" доирасида ташкил этилди.

Дастлаб бўлажак журналистлар замонавий талабларга жавоб берадиган парламент кутубхонаси, Олий Мажлис тарихи акс этган музей, қонунлар қабул қилинадиган катта мажлислар залида бўлиб, Талабаларга қуйи палата, сиёсий партиялар фракциялари, қўмиталар, комиссиялар ҳамда Ёшлар парламенти иш фаолияти ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати вакиллари билан бўлиб ўтган мулоқотда бўлажак журналистлар ахборот сиёсатини юритиш, медиаматериаллар тайёрлаш жараёни, тезкор ва ишончли

ахборот тарқатиш механизмлари ҳақида кенроқ тушунчаларга эга бўлди. Бугунги кунда палата мажлислари унинг расмий веб-сайти орқали жонли эфирга узатилаётгани парламент фаолиятининг очиклигини таъминлаб, жамоатчиликнинг қонунлар муҳокамасига қизиқишини оширишга хизмат қилаётгани ургунланди.

Мулоқотда оммавий ахборот воситаларининг парламент фаолиятини ёритишдаги ролига алоҳида эътибор қаратилди. Ёш журналистларга ахборотни ҳолис ва аниқ етказиш, таҳлилий ёндашувини ривожлантириш, замонавий коммуникация воситаларидан самарали фойдаланиш ҳамда аудитория билан фаол мулоқот олиб бериш бўйича зарур тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».



# АЁЛ ВА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ АРХИТЕКТУРАСИ

Юртимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, аввало, гендер тенгликни мустаҳкамлаш, болалар манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш йўлида кенг қўлланма ислохотлар амалга оширилмоқда. Конституциямиз нормалари, халқаро шартномалар асосида камситишнинг барча кўринишларига қарши ҳуқуқий асослар тобора такомиллаштириб бориляпти. Ўз навбатида, бола ҳуқуқларига доир конституциявий кафолатлар мустаҳкамлашиб, аёлларни

таъминлаш ва зўравонликдан ҳимоялаш бўйича алоҳида қонунлар ҳам қабул қилинмоқда. Замон ўзгарар экан, жамият ҳаёти ҳам шунга монанд мослашиб бораверди. Оилавий муносабатлардаги айрим зиддиятлар, ижтимоий жараёнлардаги мураккабликлар, шунингдек, интернет ва ахборот технологиялари орқали содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар аёллар билан болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш заруратини юзга келтирмоқда. Шу боис мавжуд ҳуқуқий механизмларни янги, замонавий талаблар асосида ривожлантириш бугунги

куннинг долзарб масалаларидан бирига айланди. Ана шу аҳтиёж ва заруратлардан келиб чиқиб, жорий йилнинг 3 март куни Президентимизнинг "Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан таъмин ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Ушбу фармон мазмун-моҳияти, унда назарда тутилган янгиликлар, янги тартиблар ҳамда амалиётдаги муҳим вазифалар юзасидан соҳа мутахассисларига мурожаат қилдик.

## Ислохотлар йўли

### Аёл қадрли — жамият қадрли

Умида АБДУЛЛАЕВА, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари:



— Оила ва жамиятнинг мустаҳкам таянчи саналган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бугунги куннинг устувор вазифаларидан бирига айланди. Мамлакатимизда инсон қадрини юксалтириш, айниқса, аёллар ва болалар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ҳам бунинг яққол ифодаси. Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган ушбу фармон ўз мазмун-моҳияти билан алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур ҳужжатда аёллар ва болалар манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, оилавий муносабатларда соғлом муҳитни шакллантириш, эрта ёки ноқонуний никоҳ ҳамда маийший зўравонлик ҳолатларининг олдини олишга қаратилган устувор вазифалар белгилаб берилган.

Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Оила ва хотин-қизлар кўмитаси томонидан тизимли ташкилий-амалий чоралар кўрилади. Айни пайтда идоралараро ҳамкорлик ришталарининг шакллантирилгани мазкур йўналишдаги ишларнинг самарасини ошираётди. Оила ва хотин-қизлар кўмитаси, Ички ишлар, Адлия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, таълим тизими, маҳалла тузилмалари ва бошқа ҳамкор ташкилотлар ўртасида аниқ механизмлар асосида иш йўлга қўйилган. Бу орқали оилалардаги муаммоларни барвақт аниқлаш, профилактик чораларни кучайтириш ва аҳоли билан манзилли ишлаш имконияти кенгаймоқда.

Тарғибот ишларига алоҳида эътибор қаратилгани ҳам эътиборга молик. Республика даражасида турли соҳалар вакилларидан иборат 60 нафар, вилоятларда — 50, туман ва шаҳарларда — 30, маҳаллаларда эса 4 нафардан иборат тарғибот гуруҳлари фаолият бошлагани жамоатчилик онгини шакллантиришда муҳим омили бўлиши мумкин. Апрель ойининг биринчи ўн кунлигида ушбу гуруҳлар учун ўқувлар ташкиллаштирилиши эса ишларнинг изчил давом этишидан далолат беради.

Фармон доирасида Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган "маийший зўравонликнинг бахтли оилавий ҳаётга тайёрлаш"га қаратилган махсус ўқув дастурлари мазмунан долзарб. Унда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, эр-хотин муносабатлари, ўзаро ҳурмат ва масъулият, низооларни тинч йўл билан ҳал этиш, соғлом психологик муҳит, оилавий бюджет ва фарзанд тарбияси каби муҳим масалалар қамраб олинган.

Айни вақтда мазкур ўқувлар амалиёт билан боғланмоқда. Никоҳланувчилар учун ташкил этилаётган машғулотлар ёшларда оилага онгли муносабатни шакллантиришга, бу эса келгусида оилавий низоолар ва ажримларнинг олдини олишга замин яратяди.

Белгиланган мақсадлар ҳам аниқ ва ўлчовли. Хусусан, шу йили никоҳланувчиларни махсус курслар билан қамраб олиш даражасини 50 фоизга, келаси йили — 60, 2030 йилга бориб 100 фоизга етказиш режалаштирилган. Бу кўрсаткичлар изчил амалга оширилса, жамиятда соғлом оила муҳитини шакллантиришга мустаҳкам асос яратилади.

Мана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида оила қадрияти мустаҳкамланади, аёллар ва болалар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилинади. Бу эса юртимиз тараққиёти ва жамият барқарорлиги учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

### Ҳар бир бола давлат ҳимоясида

Сурайё РАҲМОНОВА, Олий Мажлисининг бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар ошбурдсмани):



— Юртимиз азалдан болажон, бола кулгисини энг катта бойлик деб билади. Бугун мамлакатимизда қарийб 13 миллиондан ортиқ болалар камолга етмоқда. Шаҳар марказида, олис қишлоқларда — қайси манзилда бўлмасин, ҳар бир бола давлатимиз эътибори ва ҳимоясида. Айниқса, болаларни зўравонликнинг барча шаклларида асраш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.

2025 йилнинг ўзида зўравонликка нисбатан муросасиз муносабатни мустаҳкамлайдиган қатор қонунчилик ҳужжатлари имзоланди. Утган йили "Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун қучга кирди ва соҳада мулақо янги тизимни шакллантирди. Шунингдек, Президентимизнинг тегишли фармони билан 2026 — 2030 йилларга мўлжалланган Болаларни зўравонликнинг бар-

ча шаклларида ҳимоя қилиш стратегияси амалиётга киритилди. Бу жараённинг мантйкий давоми сифатида шу йилнинг март ойида Президентимиз имзоланган фармон соҳадаги ишларни янада кучайтириш, аёллар ва болалар ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган тизимли чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Утган йили Бола ҳуқуқлари бўйича вакил номига қарийб икки мингга яқин мурожаатлар келиб тушган. Бу юртдошларимиз энди сукут сақламаётгани, бола тақдирига бефарқ қарамаётганини аниқлатади. Илгари кўп ота-оналар ёки яқинлар "уйда ҳал бўлади" дея қаралган масалалар бугун очик айтиляпти. Демак, жамиятда

адолат қарор топишига ишонч ортиб бормоқда.

Зўравонлик ҳолатлари юзасидан жиноят ва маъмурий ишлар қўзғатилгани тизим самара бериб ишлаётганини кўрсатади. Айниқса, илгари рад этилган 20 та жиноят иши Болалар ошбурдсмани ўрганиши натижасида қайта кўриб чиқиш учун юборилди. Бундан эса "бир марта рад этилди — масала ёпилиди", деган эски қарашдан воз келилаётганини кўришимиз мумкин.

Болаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида ҳам амалий ишлар олиб боришмоқда. Тизим саъй-ҳаракати билан 52 нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болага ID-карта олиб берилгани уларнинг келажагига йўл очилди, деганидир. Шунингдек, ногиронлиги бўлган болалар тиббий кўриқдан ўтказилиб, реабилитация хизматлари кўрсатилди.

Алимент қарздорлигини ундириш яна бир нозик масала саналади. Унутмаслик керакки, боланинг ҳақи — унинг ризиқи. Катта миқдордаги қарздорликни ундиришга кўмаклашилгани ортида ўша болаларнинг кундалик эҳтиёжлари, таълими, орзу-умидлари турибди.

## Синмас ирода намунаси

Гулсара РАПИГАЛИЕВА, Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш Наманган вилояти ҳудудий маркази директори:



— Одатдагидек иш кунларининг бирида эшик секингина очилди, юзидан нур, кўзларидан қувонч порлаб турган бир аёл кириб келди. "Опа, танидингизми?", деди у ҳаяжон билан. Юзи таниш, аммо дарҳол эслаб олмади. Кейин эса унга тикилиб қарарканман, тўрт ой аввал ҳаёт зарбасидан эзиллиб, кўзларидан қўрқув, қалбида оғир дард билан келган Нодира Умидовани (исм ва фамилияси ўзгаририлган) танидим. Аммо бугунги Нодира бутунлай бошқача эди. Унинг нигоҳида ишонч, ҳаракатида қатъият, гапида эса ҳаётга муҳаббат сезилиб турарди. У қисқа вақт ичида пазандлик соҳасида ўз имкониятларини синаб

матлар уларнинг муаммоларини бартараф этишга қаратилган. Утган йили 387 марта психологик хизмат кўрсатилгани юзлаб қалбларга ишончни қайтарди. Аёлларнинг ўзини қўлга олиши, мустақил қарор қабул қила бошлагани, қўрқув ва хавотирдан чиқиши ана шу ишларнинг натижаси. Шу билан бирга, 114 та ҳуқуқий ва 240 та ижтимоий хизмат кўрсатилгани уларнинг ҳаётини қайта йўлга қўйишда муҳим омили бўлди.

Нодира Умидованинг ҳаёт йўли юқоридаги рақамлар, фактларга бир мисол. У 26 ёшида марказга олиб келингандан турмуш ўртоғи томонидан зўравонликка учраган, моддий қийинчиликлар гирдобига тушган аёл эди. Ўрта махсус маълумотга эга, қобилияти бор, аммо имконияти йўқ эди. Мустақил қарор қабул қилишда қийналарди.

Марказда у фақат бошпана топмади, балки янги йўл топди. Пазандчиликка қизиқиши қўллаб-қувватланган, махсус курсларга жалб этилди. Қизи Садияхоннинг

боғчага жойлаштирилиши эса онанинг имкониятларини янада оширди. Психологик ёрдамлар орқали унинг руҳияти тикланди, ҳаётга қарши ўзгарди. Энг муҳими, у ўзини топди. Мактабга таълим ташкилотидан олдин ошбурдсманидан тадбиркорликка қадам қўйди. Бугун у нафақат ўзини, балки бошқаларни ҳам иш билан таъминлашга қодир бўлган аёл. 150 ўринли оилавий нодавлат мактабга таълим ташкилотини йўлга қўйгани катта жасорат намунаси.

Аҳамиятлиси, марказда ташкил этилган касб-хунар курслари, жумладан, тикуччилик, пазандчилик, сартарошлик, компьютер саводхонлиги каби йўналишлар аёлларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. Ва бу орқали ўнлаб аёллар жамиятда ўз ўринларини топаётганини кўриб, уларни синмас ирода намуналари дегинг келади.

Улуғбек РЎЗИМАТОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.



## Дзюдо: ЮРТДОШЛАРИМИЗ «КАТТА ДУБУЛФА» ТУРНИРИДА

1 — 3 май кунлари Тожикистон пойтахтида дзюдо бўйича "Катта дубулфа" таснифидagi навбатдаги турнир бўлиб ўтди.



34 та мамлакатдан 250 нафардан зиёд спортчилар иштирок этадиган мазкур мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси ҳам асосий таркиб билан қатнашди. Эрақлар ўртасидаги баҳсларнинг еттига вазн тоифасида 14 нафар дзюдочилар ўз омадини синаб кўрса, аёллар беллашувларида еттига вазн бўйича 12 нафар қизимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилди.

Мусобақа ғолиблари пул мукофоти билан бирга умумий рейтинг очколарини ҳам қўлга киритди.

## Шахмат: ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ҚАТНАШАДИ

16 — 22 июнь кунлари Гонконгда шахмат бўйича "FIDE World Team Rapid & Blitz Chess Championships" турнири уюштирилади. У 2023 йилдан бунён ўтказиб келинади ва жамоавий форматдаги энг нуфузли шахмат мусобақаларидан ҳисобланади.



Беллашувда дунёнинг етакчи гроссмейстерлари ўз жамоалари сафида иштирок этади. Улар орасида жаҳон рейтинг итақчиси Магнус Карлсен, шунингдек, Ямаҳир Синдоров ва Вайшали Рамешбабу каби сўнгги "Давьогарлар турнири" ғолиблари ҳам бор. Мамлакатимиз шарафини Рустан Қосимжон бошчилигидаги Н. Абдусатторов, Ж. Синдоров, Н. Якуббеов каби шахматчиларимиз ҳимоя қилади.

## Бокс: БАҲОДИР ЛОНДОНДА РИНГГА КЎТАРИЛАДИ


Супер оғир вазн тоифасида чарм қўлқоп устаси Баҳодир Жалоловнинг навбатдаги жанги 9 май куни ўтказилиши режалаштирилган.



Ҳамюртимиз шу куни Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрида ташкил этиладиган йирик профессионал бокс оқшомида хорватиялик Агрон Смакичига қарши рейтинг очколарини учун кураш олиб боради. Аслида бу учрашув 2024 йилги "IBA.Pro" турнирида бўлиб ўтиши керак эди, аммо ўша куни Б. Жалоловнинг ўрнига бошқа бир ҳамюртимиз — Жаҳонгир Зокиров рингга чиқиб, А. Смакичи устидан очколар ҳисобига кўра галаба қозонган эди.

## Велососссе: МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ МАЪЛУМ

Ўзбекистон миллий олимпия кўмитаси матбуот хизмати хабарига кўра, Тошкент шаҳрида велососссе бўйича "Tour of Bostonliq" пойгалари яқунланди. Иккинчи кун ўтказилган мусобақаларда эрақлар 162.8 км., аёллар эса 113 км. масофада беллашди.



Дастлабки босқичда катта тафовут билан галаба қозонган "7 Saber Uzbekistan Women Cycling Team" аъзоси Шаҳноза Абдуллаева яқунда мусобақа ғолиблигини қўлга киритди. Иккинчи босқичда кучли учликдан жой олмаган бўлса ҳам, пелотон билан финиш чизиғини босиб ўтгани унинг аёллар ўртасидаги пойгаларда галаба қозонишини таъминлади.

Ўзбекистон терма жамоасининг етакчисига айланган Сергей Ростовцев шиддатли кечган 2-босқичда иккинчи натижани қайд этди.

Суннатилла ИСЛОМОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

## Ипак қурти — кўчма пиллахонада

Ромитан туманидаги "Romstar" қўшма корхонасида ипак қурти биз кўриб одатланганимиздан фарқли равишда кўчма пиллахонада парвариш қилиняпти.



— Яқин-яқинга қадар ҳовлилардаги бўш турган хоналарда ипак қурти боқиб келинар, бу пиллаҳонани ташвишига ташвиш қўшарди, — дейди халқ депутатлари туман Кенгаши депутаты М. Атоева. — Бундан қарангки, пилла етиштириш ва уни қайта ишлаш борасида бой тажрибага эга "Romstar" да янги усул жорий этилди. Корхона томонидан металл конструкция асосида кўчма пиллахона тайёрланди. У қулайлиги билан кўччиликка маъқул тушмоқда.

Бундай пиллахонани инсталган ҳудудда тезкорлик билан ўрнатиш ва мавсум якунига етгач қисмларга ажратиб йиғиб қўйиш мумкин. Улар ҳар хил ўлчамда ва кўп қаватли ишлаб чиқарилган — ортиқча жойини эгалламайди. Дейлик, 10x10 метр ҳажмли конструкция 4-5 қаватли бўлиб, унда 10 кутига ипак қуртини парвариш қилиш имконияти мавжуд. Устки қисми эса брезент билан ёпилади. Барқарор микроклим яратиш мақсадида махсус туйнуқлар очил-

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

## Ўмғир суви — кони фойда

Юртимизда омилкор деҳқонлар кўп. Янги Наманган туманида фаолият юритаётган фермер Саъдулло Усмонов ўз тасарруфидаги уч гектар ерда деҳқончилик қилиб, шундан 1 гектаридан инновацион технологиялар асосида махсулот етиштирмоқда. Катта ҳаражат талаб қилмайдиган сўғориш тизимини йўлга қўйиб, экинларини ўмғир суви билан тўйинтираётгани эътиборга молик.



— Бир ярим километрга яқин масофадаги каналдан қувур тортиб келиб фойдаланар эдик, — дейди С. Усмонов. — Оби-ҳаётга эҳтиёж ортган мавсумда канал суви тақсимот жадвалига асосан муайян кунларда берилади. Шу муаммони енгилаштиш мақсадида сўғоришда ўмғир суви билан фойдаланиш истаги туғилди ва уни амалда синаб кўриб, яхши натижага эришдик.

Фермер хўжалик ҳудудида икки минг кубометр сигимли ҳовуз барпо қилган. Йил давомида ёққан ўмғир суви тарновлар орқали шу ҳовузга тўпланган, сўғориш пайтида насос ва қувур ёрдамида экинзорга етакзиб берилади. Бунинг самараси ўлароқ, бодирингдан 50 тонна, помидордан эса қарийб 100 тонна ҳосил олинади.

Дарвоқе, ўмғир суви йиғилган ҳовузга 100 бош илонбош ва сазан балиғи ҳам парваришланмоқда. Аҳамиятлиси, бу хўжаликда 20 нафардан зиёд доимий ва мавсумий ишчилар меҳнат қилади.

Акромжон САТТОРОВ («Халқ сўзи»).

## Кўп квартирали уйларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига кўра, эндиликда тегишли бошқарув органлари томонидан кўп қаватли уйларнинг кириш йўлаклари ва зинапоялари ҳафтада бир марта тозаланади.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 23 209 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Гезатанинг ҳақидаги маълумотларни оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 71-259-74-51; қотибхат 71-259-74-53;  
эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган қўғамлар тақриб қилинмайди ва мазалифга қайтарилмайди.

Гезатанинг тасвир бериши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Гезата таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Гезатанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Мамиров.  
Мусаҳҳих — Ш. Машраббеов.

"Шарқ" нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 23.20 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6